

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВА ЖАВҲАР МУРАТАЛИЕВНА

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОЛТИНГУГУРТ АСОСИДА
ОЛТИНГУГУРТЛИ БЕТОН ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Хайитова Жавҳар Мураталиевна

Модификацияланган олтингугурт асосида олтингугуртли бетон олиш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Хайитова Жавҳар Мураталиевна

Разработка технологии получения серобетона на основе модифицированной
серы..... 21

Khayitova Javhar

Elaboration of a technology for producing sulfur concrete based on modified
sulfur..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВА ЖАВҲАР МУРАТАЛИЕВНА

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОЛТИНГУГУРТ АСОСИДА
ОЛТИНГУГУРТЛИ БЕТОН ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2353 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Баходир Элбекович
техника фанлари доктори, профессор

Бабамуратов Бекзод Эргашевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Термиз давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли илмий кенгашнинг «23» 10 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz.


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 8 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 10 кунни таркатилди.
(2021 йил « 11 » 10 даги 6 - рақамли реестр баённомаси).




И.А. Умбаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.


Ш.А. Касимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., доц.


Р.В. Аликулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё саноатида олтингугуртнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида махсус полигонларда чиқиндилар тўпланишига олиб келди. Шу сабабли, сўнгги йилларда кўп миқдорда олтингугуртни сотиш муаммолари йўл ва қурилиш саноатида олтингугуртли бетон ҳамда асфальт сифатида қўлланилиши билан ҳал қилинмоқда. Нефт саноатининг чиқиндиси бўлган элементар олтингугуртдан фойдаланиш усуллари кўпайиб бормоқда. Олтингугуртдан юқори мустаҳкамликка эга кислотабардош қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, каучукни вулканлашда ишлатиладиган қимматбаҳо маҳсулотлар олишда элементар олтингугуртни полимер полисульфидлар ва қўшбоғли углеводородлар билан модификациялаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда агрессив муҳитларда фойдаланишга яроқли модификацияланган олтингугуртли бетон олиш ва улар ёрдамида қурилиш конструкцияларининг мустаҳкамлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада олтингугуртни маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб самарали модификациялаш, олтингугурт ва минерал тўлдирувчилар асосида иссиқликка бардошли композитлар олиш, модификацияланган олтингугурт асосидаги композицияларнинг захарлилигини камайтириш, тўйинмаган органик бирикмалар билан модификацияланган олтингугурт асосида мустаҳкам, кислоталар ва тузларнинг юқори концентрацияларида барқарор олтингугуртли бетон олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда саноат чиқиндилари, газ ва нефтни қайта ишлаш саноати иккиламчи маҳсулотлари асосида модификацияланган олтингугуртли боғловчилар ҳамда модификацияланган олтингугуртли бетон яратиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилган, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, модификацияланган олтингугуртли бетон асосида композициялар яратилган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»¹га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашё ресурслари – кўп тоннали кимёвий саноат иккиламчи маҳсулотлари ва синтез қилинган моддалар асосида модификацияланган олтингугуртли бетон олиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда тўйинмаган органик бирикмалар асосида юқори самарали ва мустаҳкам олтингугуртли бетонларни ишлаб чиқаришни ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар мавжуд. Юқори самарали ва кислотабардош олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет эллик олимлар М. Фурманн, Д. Меламед, Е. Воррел, В. Гуррелл, Л. Прике, М. Ал-Жамал, Ж. Беудоин бу йўналишда бир қатор фундаментал тадқиқотлар олиб боришган.

МДХ давлатларининг Д.А. Скринов, А.Ю. Фомин, Р.Ф. Собиров, Р.Т. Порфирева, М.В. Рялова, В.Г. Хозин, Я.Д. Самуилов, А.М. Мохнаткин, Л.А. Яковлева, С.Л. Ларионов, С.Г. Карчевский, Ф.А. Хамидуллин, В.И. Гайнуллин, С.О. Стоянов каби олимлари олтингугуртли боғловчилар ва олтингугуртти модификациялаш механизми ва физик-кимёвий қонуниятларга асосланишига бағишланган амалий ва фундаментал тадқиқотларни олиб боришмоқда.

Республикада Жалилов А.Т., Тиллаев Р.С., Циганов Т.Д., Қурбонов Ф.К., Икрамов А., Гуро В.П., Бекназаров Х.С. ва бошқалар кимёвий бирикмаларни синтез қилиш ва иккиламчи саноат маҳсулотлари ҳамда маҳаллий хомашё асосида олтингугуртли боғловчи сифатида фойдаланиш мумкин бўлган олтингугурт модификацияси муаммоларини ҳал қилишда ўзларининг илмий ишлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Лекин бугунги кунда пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи ҳамда қўшимча модификаторлар асосида юқори самарали модификацияланган олтингугуртли боғловчилар синтези ва улар асосида юқори самарали модификациялаш тизимини яратиш, уларнинг таъсир механизминини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №КМ-20192515 “Йўл қурилишида фойдаланиш

учун маҳаллий хомашё асосида модификацияланган олтингугуртли бетон ишлаб чиқариш” инновацион гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи билан модификацияланган янги олтингугуртли боғловчилар асосида олтингугуртли бетон олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтингугурт, пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи асосида янги модификацияланган олтингугуртли боғловчиларни синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

физик-кимёвий усуллар ёрдамида модификацияланган олтингугурт боғловчиси тузилишини аниқлаш, физик-механик хусусиятларини таҳлил қилиш;

модификацияланган полимер олтингугурт олиш учун модификацияланиш жараёнига муҳит рН, ҳарорат, таркиб ва концентрациянинг таъсири ҳамда олинган олтингугуртли бетоннинг сиқилишга, қиздиришдаги ёрилишга мустаҳкамлигини аниқлаш;

пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи асосида янги модификацияланган олтингугуртли бетон аралашмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

тўйинмаган органик бирикмалар асосида олтингугурт боғловчи ва олтингугуртли бетон ишлаб чиқаришнинг техник ва иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олтингугурт, пиролиз дистилляти, госсипол смоласи, модификацияловчи кўшимча, кул, кул шлаклари, керамзит, кварц куми, майдаланган тош олинган.

Тадқиқотнинг предмети модификацияланган олтингугурт, пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи билан ўзаро таъсири жараёнини ўрганиш, олинган модификацияланган олтингугурт ва олтингугуртли бетоннинг кимёвий ва физик-механик хусусиятлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида органик синтез, механик мустаҳкамликка чидамликни таҳлил қилиш, ИҚ спектроскопия, сканерловчи электрон микроскоп, элемент таҳлил усули, рентген-фазавий таҳлил, термомеханик, термогравиметрик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи билан олтингугурт синтези ва модификацияси учун мақбул шароит, шунингдек модификацияланган полимер олтингугуртнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

тўйинмаган органик бирикмалар асосида модификацияланган полимер олтингугуртли боғловчи моддалар олинган, уларнинг адгезион ва механик мустаҳкамлик хусусиятлари аниқланган;

ишлаб чиқилган модификацияланган олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлик хусусиятлари ва агрессив муҳитга бардошлилиги аниқланган;

кимёвий ўзгаришлар туфайли яхшиланган физикавий ва механик хусусиятларга эга модификацияланган олтингугуртли бетонни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё иштирокида юқори мустаҳкамликка эга модификацияланган олтингургурт асосида композитларнинг таркиби, нисбатлари ва олтингургурт боғловчиларнинг мавжуд бошқа боғловчиларга нисбатан самарадорлиги аниқланган;

олтингургуртли бетондан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш истиқболлари кўрсатилган, амалиётда қўллаш вақтида уларнинг агрессив муҳитга чидамлилиги аниқланган;

олтингургурт боғловчилар асосида сиқилишга юқори бардошли ва механик мустаҳкам олтингургуртли бетон ва полимер олтингургуртли композициялар ишлаб чиқариш учун янги таркиб ишлаб чиқилган;

янги модификацияланган олтингургурт боғловчилари асосида олтингургуртли бетон ишлаб чиқариш технологияси, техник ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, хулосалар ва тавсияларнинг асослилиги учун, олинган бирикмаларни идентификациялаш юқори даражада замонавий кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик усуллар (ИК-спектроскопия, рентген фазавий таҳлил, сканерлаш электрон микроскоп, дифференциал термик анализ) дан фойдаланилди. Модификацияланган олтингургуртли боғловчи ва модификацияланган олтингургуртли бетоннинг олиниш технологияси ҳамда ишлаб чиқариш амалиётида натижалар муҳимлиги тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти модификацияланган олтингургурт ишлаб чиқариш ҳамда янги полимер композит материалларнинг механик мустаҳкамлиги ва физик хоссалари яхшиланганлиги, комплекс хусусиятли композицион материалларнинг таркиби, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологияси яратилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган технологик схема бўйича олинган олтингургуртли бетонни тайёр қаттиқ модификацияланган полимер композитлар сифатида ишлатиш, олтингургурт асосидаги механик бардошли композит полимер бетонларни ишлаб чиқариш, турли агрессив муҳитда Республикамиз қурилиш саноатида қўллаш имкониятларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Модификацияланган олтингургурт асосида олтингургуртли бетон олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи асосида ишлаб чиқилган боғловчилар билан модификацияланган олтингургуртли бетон «Олмалиқ КМК» АЖ корхонасида кислота ва тузларнинг юқори концентрацияларига барқарор бетон конструкциялар олишда жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖ нинг 2021 йил 27 августдаги АА-007165-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган олтингургуртли боғловчилар олиш технологияси асосида сульфат кислота ва аммоний сульфатнинг 40% эритмаларида барқарор бўлган олтингургуртли бетон олиш имконини берган;

янги олтингугуртли боғловчилар асосида атмосфера ва агрессив ташқи мухитларга чидамли олтингугуртли бетон олиш технологияси «Олмалиқ КМК» АЖ корхонасида мустақкам полимер олтингугуртли бетон олишда жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖ нинг 2021 йил 27 августдаги АА-007165-сонли маълумотномаси). Натижада, М700 маркаси ва В55 синфига тўғри келадиган, мустақкамлиги 90 МПа бўлган олтингугуртли бетон конструкциялар олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Иш натижалари ҳақида 7 та конференцияда, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 6 таси фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган мақолалар бўлиб, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган, ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Модификацияланган олтингугурт ва олтингугуртли чиқиндилар асосида олтингугуртли бетон олишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида синтез усуллари таҳлили, тўйинмаган органик бирикмалар асосида олтингугуртли боғловчилар ва олтингугуртли бетон олиниши ҳамда органик полисульфидлар ва олтингугурт асосида композициялар олиш тўғрисидаги адабиётлар таҳлили келтирилган. Нефть-газ саноатида иккиламчи маҳсулот сифатида олтингугурт ишлаб чиқариш ҳозирги пайтда анча ортди ва ундан олтингугуртли боғловчилар асосида олтингугуртли бетон олиш усуллари ишлаб чиқиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Ушбу тадқиқот ишида модификацияланган олтингугурт асосида композитлар тайёрлашнинг янги усули тақлиф этилган.


Диссертация ишининг «Госсипол смоласи ва пиролиз дистилляти асосида олтингугуртни модификациялаш синтези усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектларнинг синтези ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганишнинг усуллари асосланган. Сканерловчи электрон микроскопия ва ИҚ спектроскопия ёрдамида синтез қилинган бирикмалар тузилиши аниқланган ва тавсифланган. Янги-Ангрен ИЭС нинг золошлак чиқиндилари ҳамда госсипол смоласи ва пиролиз дистилляти асосида модификацияланган олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлилиқ, термодинамик таҳлилига асосланган тадқиқот усуллари ва натижалари тақдим этилган.

200 г олтингугурт 500 мл ҳажмли реакторда 160 °С гача термостатланган мой ҳаммомида доимий аралаштирилиб турилган ҳолда шаффоф тўқ сариқ суюқланган ҳолга келгунча қиздирилди. Сўнгра суюқланган фазали олтингугуртга бевосита 20 г госсипол смоласи (ёки пиролиз дистилляти) кўшилади. Олинган аралашма 140–160 °С да 3 соат давомида реакцион муҳит қовушқоқлигини пасайиши ва қора сариқ рангли модификацияланган полимер олтингугурт ҳосил бўлиши учун аралаштирилди. Жараён тугагандан сўнг ҳосил бўлган модификацияланган полимер олтингугурт реактордан олиниб 20–25 °С гача совитиш учун қолдирилди.

Модификацияланган полимер олтингугурт (МПО, олтингугуртли боғловчи) 1:1 нисбатда тортиб олинган элементар олтингугурт ҳамда пиролиз дистилляти аралашмалари асосида тайёрланган. Аниқланган миқдордаги олтингугурт диаметри 2 см бўлган цилиндрсимон трубкага жойланиб глицеринли ҳаммомда 140 °С ҳароратда механик мешалка ёрдамида интенсив аралаштирган ҳолда қиздирилди. Белгиланган ҳароратда суюқлантирилган олтингугуртга модификацияловчи реагент (2,4,6 ёки 8% олтингугурт массасига нисбатан) кўшилади. Модификаторлар кўшилгандан сўнг олинган суюқланма ПМО 140–180 °С ҳароратда 20-30 дақиқа аралаштирилиб турилган ҳолда қиздирилади. Сўнгра қовушқоқ масса адгезион хоссаларини яхшилаш учун тебранма қолипга жойлаштирилди ва шаклга келтириш учун бир соат давомида хона ҳароратигача совутилди. Олтингугуртли бетон намуналари ПНСТ 105-2016, «Смеси серобетонные и серобетон» стандартдан фойдаланган ҳолда тайёрланган. Модификацияланган олтингугуртнинг термогравиметрик хусусиятлари дериватограмма DT-60 ёрдамида тадқиқ этилди. Термогравиметрик таҳлилга кўра 270 °С ҳароратгача намунанинг масса йўқотиши ўзгармайди (1-расм). ДТА эгриларида 150-120 °С ҳароратлар оралиғида битта эндотермик чўққини кузатиш мумкин (127,8°С да). Бу модификацияланган олтингугуртли боғловчиларнинг суюқланишидан далолат беради. Ҳарорат сезиларли тарзда 336 °С гача кўтарилганда намуна икки босқичда парчалана бошлайди, яъни 365 °С да 4,23 %/мин тезлик билан, 500 °С дан юқори ҳароратда эса 2,3 %/мин тезликда, 34,19 % умумий масса йўқотиш билан боради. Молекулаларда қайта гуруҳланиш ва парчаланиш борганлиги туфайли олтингугуртли бетоннинг парчаланиш реакциялари эндотермик бўлиб, унинг парчаланиш энергияси -297,6 Дж/г ни ташкил этади.




1-расм. Модификацияланган олтингугурт ДТА таҳлили натижалари




2-расм Олтингугуртли бетоннинг ДТГ ва ТГ таҳлил натижалари.

Олтингугуртли бетоннинг термик барқарорлиги дифференциал термогравиметрик таҳлил ёрдамида ўрганилди. Тадқиқ этилаётган олтингугуртнинг массаси 237 °С ҳароратгача ўзгармайди (2-расм). ДТГ эгрисиди 190 дан 220°С гача бўлган ҳароратлар оралиғида икки фазавий ўтишларга (қайта гуруҳланиш ва олтингугуртли бетоннинг суюқланиши) тегишли бўлган кенг эндотермик чўққини кузатиш мумкин. 500 °С ҳароратдан юқорида намуна икки босқичда парчалана бошлайди 580 °С да 4 %/мин тезликда 3,42 % масса йўқотиш билан, 580 °С дан юқорида эса 2,89 %/мин тезлик билан боради. Парчаланишнинг биринчи босқичи – эндотермик (энергия 3,79 $\mu\text{V}\cdot\text{s}/\text{mg}$), иккинчиси эса экзотермик (энергия -29,8 J/g).

Сканерловчи микроскоп ёрдамида намунанинг микроструктураси ўрганилди. 3-расмда микроструктура таҳлили натижалари келтирилган.



Электронное изображение 8




3-расм. Олтингугуртли бетоннинг СЭМ таҳлили натижалари.

Олинган маълумотларга мувофиқ 100 г олтингугуртга 5 г госсипол смоласи ёки пиролиз дистилляти қўшилганда дисперс фаза заррачаларининг ўлчами -0,2 дан 0,6 мкм гача сезиларли ошди, шу билан бирга 100 г

олтингургуртга 3 г госсипол смоласи ёки пиролиз дистилляти қўшилган ҳолатда деярли керакли натижа кузатилмади. Агар пластификацияланган полимер олтингургуртга госсипол смоласи ёки пиролиз дистилляти қўшилса, дисперс фаза ҳажмининг сезиларли ошиши модификацион қўшимча таркибининг кўпайишига тўғридан-тўғри пропорционал равишда содир бўлади.

ИҚ-спектроскопик таҳлил натижаларига кўра 649-3753 см⁻¹ соҳасида госсипол смоласининг -ОН гуруҳига тегишли бўлган интенсив чўққилар кузатилади, шунингдек 1701 и 1735 см⁻¹ соҳаларда эса нафтенлар ҳосилаларининг -СО- карбонил гуруҳларининг чўққиларини кузатиш мумкин. 2364-2345 см⁻¹ соҳаларда эса тўртламчи аммоний -NH₄ ли гуруҳларга тегишли чизиклар кузатилади. Органик функционал гуруҳларга -S-O- ва S-C тегишли гуруҳлар 1000, 1050 ва 1100 см⁻¹ соҳаларда кенг интенсив чўққиларни кузатиш мумкин ва бу олтингургурт тутувчи бирикмалар борлигидан далолат. Олтингургуртли бетон таҳлили модификацияланган олтингургуртдан фарқ қилган ҳолда янги 1400-1440 см⁻¹ соҳаларда димер -CH₂-S- гуруҳларга тегишли чўққилар мавжуд (4-расм).



4-расм. Олтингургуртли бетон ИҚ-спектр таҳлили натижалари.

Учинчи «Госсипол смоласи ва пиролиз дистилляти асосида олинган олтингургуртли бетон ҳосил бўлиш жараёни тадқиқоти ва физик-механик хоссаларини ўрганиш» номли бобда синтез қилинган олтингургуртли бетоннинг мустаҳкамлилик термогравиметрик ҳамда рентгенфазовий ҳамда ИҚ-спектроскопия таҳлил натижалари келтирилган.

Олтингургуртли бетон қўшимчалари (Ангрен ИЭС кули, фосфогипс) бир жинсли буюм олиш учун танланган. Қўшимчалар ассортиментини иккита асосий мақсадни назарда тутди. Биринчи ҳолда тўлдирувчи матричасини қопловчи майда донадор чанг, иккинчисида эса очиқ омборларда катта миқдорда сақланадиган анча арзон ҳамда қулай олиш мумкин бўлган чиқиндилар ишлатилган. Шу билан бирга ишлатилган қўшимча учувчан кул ва фосфогипс иқтисодий нуқтаи назардан маҳсулотнинг

рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Тадқиқотларда олтингугуртли бетоннинг кубик шакллари ишлатилган. Бир партиядан асосан 13 та кубик намуналари олинган. Партиядарнинг таркиби тўғрисидаги батафсил маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

1 жадвал

Олтингугуртли бетон олишдаги партиядар таркиби

№	Олтингугурт	Модификатор		Қум	Йирик тўлдирувчи 2-8 мм		Қўшимча	
		Тур	%		%	Тур	%	Тур
1	30	-	-	60	-	-	Кул	10,0
2	22,5	Госсипол смоласи	2,5	62,5	-	-	Кул	12,5
3	22,5	Пиролиз дистилляти	2,5	62,5	-	-	Кул	12,5
4	22,5	ДСПД	2,5	62,5	-	-	Куд	12,5
5	19,0	Госсипол смоласи	1,0	20,0	Шағал	60,0	-	-
6	19,0	Пиролиз дистилляти	1,0	20,0	Шағал	60,0	-	-
7	19,0	ДСПД	1,0	20,0	Шағал	60,0	-	-
8	21,1	Госсипол смоласи	1,1	15,6	Шағал	54,4	Кулс	7,8
9	21,1	Пиролиз дистилляти	1,1	15,6	Шағал	54,4	Фосфогипс	7,8
10	21,1	ДСПД	1,1	15,6	Шағал	54,4	Фосфогипс	7,8
11	24,5	Госсипол смоласи	1,3	13,1	Шағал	52,0	Кул	9,1
12	24,5	Пиролиз дистилляти	1,3	13,1	Шағал	52,0	Кул	9,1
13	24,5	ДСПД	1,3	13,1	Шағал	52,0	Кул	9,1

Олтингугуртли полимернинг кубикли полимер намуналари (40x40x160мм) бир давр учун -20°С дан + 20°С гача бўлган музлаш-эриш синовидан ўтказилди. Барча намуналар модификаторлардан қатъий назар, музлаш-эриш даврлари бошлангандан сўнг қисқа вақт ичида ёрилиш берди. Чанг ҳолидаги ва яхши сифатли тўлдирувчи сифатида кул ҳамда фосфогипсдан фойдаланиш сувни кам синдирувчи, юқори сиқилишга мустаҳкамликка эга маҳсулот олишни кафолатлайди. Қоришмада донадорлиги 2-8 бўлган йирик донадор тўлдирувчиларни қўллаш олтингугуртли бетоннинг мустаҳкамлик хусусиятларини сезиларли яхшиланишига олиб келади (2- жадвал).

Пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи асосида модификацияланган полимер олтингугурт ишлаб чиқариш технологияси бу, янги саноат иккиламчи маҳсулотлари асосида олтингугуртни модификациялаш

технологияси бўлиб, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда қурилиш ва йўл инфратизимида ишлатилиши мумкин.

Олтингугурт модификацияси жараёнини назорат қилиш ушбу тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Бу реакция олтингугуртни полимеризациялаш реакторида содир бўлади. Ингредиентлар 140 – 160 °С ҳароратда аралаштирилади. Олтингугурт ҳам, модификаторлар ҳам белгиланган эритувчида бир хил даражада эриганлиги сабабли фаол реагентлар майдони ортади, бу реакция тезлигини оширади ва модификация вақтини қисқартиради.

2- жадвал

Танланган партияларнинг механик параметрлари

№	Зичлиги	Сув сингиши	Сиқилишга мустаҳкамлик МПа		Эгилишга мустаҳкамлик, МПа	
	кг/м ³	%	Синовгача	Синовдан сўнг	Синовгача	Синовдан сўнг
1	3	4	5	6	7	8
1	2160	-	41,0	41,0	4,3	-
2	2285	0,23	54,5	58,0	4,2	4,2
3	2029	0,37	52,1	54,2	4,1	4,1
4	2053	0,36	51,2	54,1	3,4	3,8
5	2296	0,35	57,3	56,1	8,7	7,7
6	2351	0,31	65,6	53,4	5,2	-
7	2235	0,47	57,0	51,7	7,3	-
1	3	4	5	6	7	8
8	2387	0,07	70,6	68,7	13,3	10,4
9	2241	0,10	57,7	50,8	7,4	2,3
10	2300	0,06	58,4	51,9	4,9	5,3
11	2420	0,04	59,6	62,5	4,5	3,7
12	2256	0,25	54,5	54,6	5,5	5,8
13	2390	0,04	58,7	58,2	10,1	10,0

Кейинги вақтларда ишлатилаётган органик модификаторлар ўрнига бизнинг ишимизда олтингугурт модификатори сифатида саноат кўшимча маҳсулоти бўлган госсипол смоласи (пахта ёғининг) ҳамда пиролиз дистилляти (этилен ва пропилен ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулоти бўлган) ишлатилди.

Модификацияланган олтингугурт кукун ҳолда бўлган олтингугурт, госсипол смоласи ва пиролиз дистилляти асосида олинди. Олтингугурт 90 - 160 °C оралиғида пиролиз дистиллятининг тўйинмаган бирикмалари билан суюқ фазада бир неча типдаги полисульфид маҳсулотлари ҳосил қилиб реакцияга киришади. Ҳарорат 90 °C дан кўтарилган сари S₈ аста секин реакция фаол би радикалларга парчаланadi. Пиролиз дистилляти ёрдамида 160 °C ҳароратда етарлича концентрацияга эришади ва ўз-ўзидан μ-олтингугурт халқасига полимерланади. Полимер олтингугурт дастлабки бошқа бирикмаларга қараганда пастроқ реакция фаолликка эга бўлганлиги учун унинг реакция қобилияти кўшимчалар эвазига 140 °C ҳароратдагига қараганда 160 °C да пасаяди.

Оғирлик ва эгилишга мустаҳкамлик бўйича физик-механик маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Маълум вақт (3 соат) давомида 140 ва 160 °C ҳароратда тайёрланган олтингугуртли аралашманинг оғирлик ва эгилишга мустаҳкамлиги.

Кум ва шағал %	Модификацияланган олтингугурт, %	Майдаланган кўшимчалар, % (кул)	Оғирликка мустаҳкамлиги (кг/см ²)	Эгилишга мустаҳкамлиги (кг/см ²)
54	36	10	97	117

Бошқа намуналар ҳам ҳар хил типдаги тўлдирувчиларни биттасидан тайёрланган. Ишлатиладиган аралашмалар учун модификацияланган олтингугурт 140-160 °C да 3 соат давомида қиздирилади. Олтингугуртли аралашма таркиби ва механик хусусиятлари 3-жадвалда келтирилган.

Олтингугурт аралашмасининг сиқилишга мустаҳкамлиги 160 °C. Да тайёрланган намунага қараганда 140 °C да тайёрланган на унада кўпроқ. Шунини таъкидлаш керак, 160 °C да суюқлантирилган олтингугурт циклооктасульфид кўринишида бўлади.

4-жадвал

Олтингугуртли аралашма таркибининг физик-механик хоссалари


Намуна	Кум %	Модификацияланган олтингугурт, %	Майдаланган кўшимча, %	Зичлиги (кг/м ³)	Сиқилишга мустаҳкамлиги (кг/см ²)
1	54	36	10 (кул)	2236	253
2	54	36	10 (кул ва КДАФ)	2158	436
3	54	36	10 (Кумтупроқ, кул ва шаффоф модда)	2134	362
4	54	36	10 (кул ва шаффоф модда)	2285	241

Кальций диамидофосфат (КДАФ) модификацияловчи кўшимча сифатида фойдаланилганда кам миқдордаги модификацияловчи кўшимча кўшилганлиги эвазига мустаҳкамлик бирмунча ортганлиги кузатилди.

Мустаҳкамлик бу аралашма компонентларининг физик–механик хоссаларига ва тақсимланган фазалар туташганлигининг физик-кимёвий ўзаро таъсирлари интенсивлигига боғлиқ бўлган олтингугуртли бетоннинг муҳим хусусиятидир.

Кристалл олтингугурт асосида олинган материаллар қисқаришга мойил бўлганлиги учун зарбга чидамлилигида ҳамда мустаҳкамлилигида камчиликлар бўлади. Биз таклиф қилаётган металл тутувчи бирикмалар ёрдамида модификациялаш, бир жинсли қолипланувчи мустаҳкам структурали физик-механик хусусиятларининг полисульфид моддалар ҳосил бўлиши ҳисобига, компонентлар зичлигининг нотекислигини бартараф этади, ҳамда адгезион хоссаларининг яхшиланишига имкон беради.


Берилган ишда бундай реагент-модификатор сифатида органик неорганик бирикма кальций диамидофосфат ишлатилади. Бизнинг фикримизча унинг модификатор сифатида ишлатилиши полимер олтингугурт олиш ва шу баробарида сульфид боғлари ҳосил бўлиши эвазига маҳсулотнинг механик мустаҳкамлигини ортишига олиб келади.



1-схема. Диамидофосфат кальций (мочевина аддукти)нинг тузилиши.


150-230 °С ҳароратлар оралиғида кальций диамидофосфат парчаланаяди ва полисульфидлар ҳосил бўлиш имконини беради. Бу хусусиятлар юқори даражада физик-механик хоссаларга эга композицион моддалар олиш имконини беради. Жараён қаттиқ фазада олтингугуртнинг диамид ва фосфат қисми билан тасири ҳамда P–O–C боғининг узилиши ҳисобига боради. Бунда газ ҳолатдаги моддалар CO₂, CO, H₂O ажралади.

Ўзгаришлар механизмини изоҳлаш ва янги кимёвий бирикма полисульфидни тасдиқлаш учун физик-кимёвий усулларда тадқиқ этилди.



5-расм. Олтингурутли бетоннинг СЭМ тасвири.

Тасвирдан кўришимиз мумкинки, номунтазам йирик заррачалар, кул заррачалари ҳамда олтингурутли бирикмалар сезиларли даражада бирлашиб жойлашган. Олтингурутли бетоннинг SEM таҳлили олтингурут матричасининг бир текис тақсимланганлигини кўрсатади ва модификацияланган олтингурут фазалари алоҳидалашган қандайдир тарзда ажратилган ва сочилувчан материаллар юзасида қисман бириккан.



6-расм. Олтингурут-кул асосидаги композициялар сиқилишга мустаҳкамлигининг модификацияловчи КДАМ миқдorigа боғлиқлиги: тебранма зичлаш (1, 2) ва сиқиш (3, 4) усулида 1, 3- 30 минут; 2, 4-60 минут давомида олинган намуналар

6 -расмда тебранма зичлаш ва сиқиш технологиялари ёрдамида олинган калций диамидофосфат билан модификацияланган олтингурут-кумтупроқли ва олтингурутли композицияларнинг сиқилишга мустаҳкамлигининг калций диамидофосфат миқдorigа боғлиқлиги кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, калций диамидофосфат 3% гача кўшилганда мустаҳкамлик ошади ва 37 МПа максимал қийматга етади.

Модификацияловчи кўшимча композицияларда КДАФ 2% бўлганда боғловчили ва олтингургуртли композицияларнинг тўлдирувчилар билан 40:60 масса нисбатида мос ҳолда мустаҳкамлик 34-36 МПа ва 41-42 МПа ни ташкил қилади. КДАФ миқдорининг 7% гача ортиб бориши мустаҳкамлик кучининг камайишига олиб келади. Намуналардаги КДАФ миқдорининг ўзгариши уларнинг сув ютиши ва солиштирма қовушқоқлигида ҳам қатъий тарзда ўзгариш кузатилади. Демак, тавсия этилган таркиб қуйидагича (мас. %): олтингургурт тутган чиқиндилар-37-39,5; майдаланган кулли кўшимчалар -60-57,5; кальций диамидофосфат 2-3.


Тадқиқотлар давомида кальций диамидофосфатни модификацияловчи кўшимча сифатида қўллаш олтингургуртли бетоннинг мустаҳкамлигини оширишга олиб келди. Бунда модификацияловчи кўшимча миқдори 1% дан кам бўлмаслиги керак. Олинган олтингургуртли бетон мустаҳкамлиги модификацияловчи кўшимча таркибидаги фосфат гуруҳлар ҳисобига ошишини айтиш мумкин. Олтингургурт ва органик қисмнинг ўзаро таъсири вақтида олтингургуртли бетоннинг механик мустаҳкамлигини таъминловчи янги кимёвий боғлар ҳосил бўлади. Модификатор миқдори 3% гача кўшилганда, намуналарнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи 22% гача ортади.

Тўртинчи «Олинган модификацияланган олтингургуртли бетоннинг амалда қўлланилиши» номли бобда техник-иқтисодий ҳисоблар ва олтингургуртли бетон олиш технологияси муҳокама этилган.

Модификацияланган олтингургуртли бетон олишнинг технологик схемаси. Олтингургуртли бетон ишлаб чиқариш жараёни «иссиқ ҳароратли» технологияга асосланган. Аралаштирилган барча компонентлар ўз навбатида 140–180 °С ҳароратгача қиздирилади. Олтингургурт ишлаб чиқаришдаги олтингургуртга ҳар хил типдаги анъанавий тўлдирувчиларни ишлатиш мумкин. Олтингургуртли аралашма учун боғланишлар 30 % ни олтингургуртли бетон 15 % ни ташкил этади. Олтингургурт матрица минерал тўлдирувчиларнинг фоиз таркибига кўра аралашма 5 % ни бетон эса 10 % ни (олтингургурт массасига) ташкил этади.

Модификациялаш реакторига (аралаштиргич, рубашка, қайтар совуткич ўрнатилган вертикал цилиндрсимон мослама) 1 ва 2 сиғимли идишлар орқали олтингургурт, госсипол смоласи ёки пиролиз дистилляти солинади. Реакторда мавжуд масса 3 соат давомида аралаштирилган ҳолатда 140-150 °С ҳароратда қиздирилади. Сўнгра реакцион масса 20-25 °С гача совитилиб сиғимли идиш 10 га узатилади.

Бир вақтнинг ўзида 3 ва 7 идишлардан белгиланган миқдорларда кум ва дағал тўлдирувчилар солинади. Аралаштиргич 7 да кум ва дағал тўлдирувчилар 180 °С ҳароратгача қиздирилади. 8 - идишдан кул ва КДАФ кўшимчаси кўшилади ва 10 - қориштиргичга ўтказилади. Қориштиргичда барча масса 3 соат давомида қиздирилган ҳолда аралаштирилиб тебранма зичловчи қисмга узатилади. Тебранма зичлашдан сўнг қиздириб қолипга ўтказилади.



7-расм. Олтингургуртли бетон олишнинг технологик схемаси:

1, 2, 3 – Сигимли идишлар, 4 – олтингургуртни модификациялаш реактори, 5 – айланма қуритгич, 6 -конвеерли узатгич, 7 - узаткич, 8 – қўшимчалар бункери, 9 -ўлчагич, 10 – Иситкичли қориштиргич, 11 – қолиплаш қурилмаси, 12 – тебранма зичловчи, 13, 14 – ҳаракатли шакллар, 15 – қолипларни иситиш камераси, 16 - омборхона.

Ишлаб чиқилган олтингургуртли бетоннинг ишлаб чиқаришда қўлланилишининг иқтисодий самарадорлик баҳосини таққослаш учун олтингургуртли бетон қиймати импорт аналоглар қиймати 1 м³ га нисбатан ҳисобланган. 4-жадвалда 1 м³ олтингургуртли бетон учун материаллар нархлари келтирилган.

3-жадвал

1 м³ олтингургуртли бетон олиш учун материаллар нархлари

Хомашёлар	1м ³ бетон аралашмасидаги миқдори, кг	1 м ³ тайёр маҳсулот олиш учун таннари, сўм
Модификацияланган олтингургурт	546	36240 сум
қум	294	16800 сум
Майда тош	672	8000 сум
Клинец	420	12000 сум
Золоунос	168	5200 сум
Жами	2100	78240 сум

4-жадвалдан маълумки 1 м³ олтингугуртли бетон учун сарфланган материаллар нархи 78240 сўмга тенг. Олтингугуртли бетон ишлаб чиқариш 1 м³ учун умумий ҳисоб 148930 сўмни ташкил этади. Импорт аналоглар учун умумий ҳисоб 200690 сўмни ташкил этади. Таклиф этилаётган олтингугуртли бетон импорт аналогларга алмаштирилганда ҳар куб метр учун 51760 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Олтингугурт, пиролиз дистилляти ва госсипол смоласи асосида янги модификацияланган олтингугуртли боғловчиларни синтез қилишнинг мақбул шароитлари аниқланган.

2. Олтингугуртли модификатор сифатида пиролиз дистилляти биринчи марта қўлланилди, ҳамда олтингугуртли бетон олишнинг мақбул шароитлари аниқланди. Сақлаш даврида ўз хоссаларини йўқотмайдиган янги таркибли барқарор олтингугуртли бетон олиш усули тавсия этилди.

3. Тегишли модификаторлар ёрдамида олинган олтингугуртли бетон композициялар деструкциясини сезиларли даражада камайтиради ва кальций диамидофосфат ҳамда ИЭС кулидан фойдаланиш олинган композицияларнинг барқарорлигини яхшилади. Улар асосида барқарор олтингугуртли бетон олиш технологияси ишлаб чиқилди.

4. Госсипол смоласи, пиролиз дистилляти ҳамда кальций диамидофосфат асосида олинган композитларнинг физик-механик хоссаларига турли омилларнинг таъсири тадқиқ этилди ва олтингугуртли бетон таркибига кирувчи мақбул компонентлар таркиби аниқланди. Олтингугуртли бетон физик-механик хоссаларига кальций диамидофосфатнинг ўзига хос таъсири кўрсатиб берилди.

5. Госсипол смоласи, пиролиз дистилляти ҳамда кальций диамидофосфат асосида модификациялаб, олтингугуртли бетон олишнинг технологияси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган технология “Олмалиқ КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий этилди. Олинган модификацияланган олтингугуртли бетон агрессив шароитларга бардошли, оддий бетондан мустаҳкамлиги исботланди ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЙИТОВА ЖАВХАР МУРАТАЛИЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ СЕРОБЕТОНА НА
ОСНОВЕ МОДИФИЦИРОВАННОЙ СЕРЫ.**

**02.00.13–Технология неорганических веществ и материалы на их основе
02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.3.PhD/Т2353.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tersu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz

Научные руководители:

Тураев Хайит Худайназарович
доктор химических наук, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Султонов Баходир Элбекович
доктор технических наук, профессор

Бабамуратов Бекзод Эргашевич
доктор философии по техническим наукам

Ведущая организация:


Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» 10 2021 г. в «10³⁰» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № 8, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «11» 10 2021 года.
(протокол рассылки № 6 от «11» 10 2021 г.).




И.А. Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.


Ш.А. Касимов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н.


Р.В.Аликулов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Перепроизводство серы в промышленности по всему миру привело к накоплению отходов на специальных полигонах. Поэтому в последние годы проблема продажи серы в больших количествах решается за счет применения в дорожно-строительной промышленности как серобетона, так и асфальта. Способов использования элементарной серы, являющейся отходом нефтяной промышленности становится все больше. Модификация элементарной серы полимерными полисульфидами и сопряженными углеводородами имеет важное значение при получении из серы ценных продуктов, применяемых в производстве высокоуглеродистых строительных материалов высокой прочности, в сельском хозяйстве, дорожном строительстве, вулканизации каучука.

В мире ведется научно исследовательская работа, направленным на получение модифицированного серобетона, пригодного для использования в агрессивных средах, и использование их для повышения прочности строительных конструкций. В связи с этим, эффективная модификация серы с использованием местного сырья, производство жаропрочных композитов на основе серы и минеральных наполнителей, снижение токсичности модифицированных композиций на основе серы, особое внимание уделяется разработке эффективных методов получения прочного полимерного серобетона стабильного при высоких концентрациях кислот и солей на основе модифицированной серы непредельными органическими соединениями.

В республике достигнуты определенные научные и практические результаты по созданию серных вяжущих и серных бетонов на основе модифицированной серы и серных отходов газовой и нефтеперерабатывающей промышленности. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определённые результаты, особенно, по разработке научных основ получения полифункциональных композиций, осуществлены широкомасштабные мероприятия в области обеспечения местного рынка импортозамещенными продуктами. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»². При этом важно получение модифицированного серобетона на основе местных сырьевых ресурсов - побочных продуктов многотоннажной химической промышленности и на основе синтезированных веществ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

² Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья» и ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

